



Peculiarities of the crime of embezzlement by misappropriation or embezzlement of someone else's property entrusted to the guilty person or under his control, using computer technology

Alisher SALIHOV¹

Assistant Prosecutor of Olmazor district of Tashkent city

ARTICLE INFO

Article history:

Received July 2022

Received in revised form

20 July 2022

Accepted 25 August 2022

Available online

15 September 2022

Keywords:

computer technology,
internet system, cyberspace,
virtual environment.

ABSTRACT

The article deals with the issues of relationship of computer technology with the Internet and cyberspace systems and also highlights the problems that arise with the qualification of crimes committed by appropriation or embezzlement of someone else's property entrusted to the guilty person or under his control using computer technology.

2181-1415/© 2022 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol3-iss8/S-pp68-72>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Компьютер техникаси воситаларидан фойдаланган ҳолда айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкани ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш жиноятининг ўзига хос хусусиятлари

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

компьютер техникаси,
интернет тизими,
кибермакон, виртуал
муҳит.

Мақолада компьютер техникаси воситалари, интернет ва кибермаконнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда компьютер техникаси воситаларидан фойдаланган ҳолда айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкани ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш жиноятини малакашда юзага келаётган муаммолар ёритилган.

¹ Independent researcher, Assistant Prosecutor of Olmazor district of Tashkent city
E-mail: richr837@gmail.com

Особенности состава преступления хищения путем присвоения или растраты чужого имущества, вверенного виновному или находящегося в его ведении, с использованием средств компьютерной техники

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

компьютерная техника, система интернет, киберпространство, виртуальная среда.

В статье рассмотрены вопросы взаимосвязи компьютерной техники с системой интернет и киберпространства, также освещены проблемы, возникающие с квалификацией преступлений, совершаемых путём присвоения или растраты чужого имущества, вверенного виновному или находящегося в его ведении (хищение) с использованием средств компьютерной техники.

XX асрнинг охиридан бошлаб, Ўзбекистонга компьютер техникасининг кенг қўламда кириб келиши ва мамлакатда Интернет тармоғининг ривожланиши миллий бойлик тараққий этишининг элементларидан бири бўлиб хизмат қилмоқда.

Компьютер техникаси ва интернетнинг ривожланиши иқтисодиётда маълумотларнинг рақамлаштирилишига (цифровизация), бошқарув ва иқтисодиётда инсон омилининг камайишига, маълумотлар алмашинувининг тезлашишига, бошқарув тизими самарадорлиги ошишига сабаб бўлмоқда.

Компьютер техникаси, Интернет ва кибермаконнинг ўзгалар мулкани ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилинишига қандай алоқаси бор?

Компьютер техникаси – олдиндан ўрнатилган дастур (программа) бўйича ишлайдиган автоматик қурилма. Яъни, компьютер техникаси фаолият юритиши учун унга аввал фойдаланувчи ва техника ўртасида мулоқотни ўрнатувчи махсус дастур - операцион тизим ўрнатилган бўлиши лозим.

Ҳозирда, дунёда Microsoft Windows, Unix, Linux, Mac OS каби ва бошқа кенг тарқалган операцион тизимлар мавжуд.

Компьютер техникаларининг ривожланиши, ўз ўрнида, катта (глобал) ва кичик (локал) компьютер тармоқларини боғловчи бутунжаҳон тизим – Интернетнинг яратилишига сабаб бўлди.

Кибермаконнинг Интернет тармоғидан ўзаро фарқи шундаки, кибермаконда амаллар Интернет тармоғи орқали амалга оширилади ва ҳодисалар фойдаланувчи жойлашган аниқ бир географик ҳудудда эмас, ахборот технологиялари ёрдамида яратилган виртуал муҳитда содир бўлади.

Биринчи маротаба қонунчилигимизда “кибермакон” тушунчасига 2022 йил 15 апрелда қабул қилинган “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги Қонунда (ЎРҚ-764) таъриф берилган.

Бугунги кунда Интернет тармоғининг ривожланиши билан бирга, кибермаконда дастурий таъминот ва техник воситалардан фойдаланилган ҳолда содир қилинадиган кибержиноятчилик ривожланмоқда.

Автоматлаштирилган мониторинг тизими орқали аниқланишича, биргина 2020 йил давомида миллий Интернет сегментида (.uz) ахборот ва киберхавфсизликка таҳдид солувчи 27 млн.дан ортиқ зарарли ва шубҳали ҳодисалар кузатилган.

Ҳозирги кунда тараққий этаётган жамиятнинг турли соҳаларига янги электрон тизимлар ва алоқа воситаларининг жадал жорий этилиши нафақат ижобий таъсир қилди, балки бир қатор салбий муаммоларни ҳам олиб келди.

Хусусан, компьютер техникасидан ғаразли ва бошқа ёмон мақсадларда фойдаланилиши ижтимоий хавфли қилмишни амалга ошириш қуроли ҳамда воситасига айланишига сабаб бўлмоқда.

Жиноят ҳуқуқида жиноятнинг объектив томони сифатида жиноят қонуни билан кўриқланадиган объектга қарши қаратилган ижтимоий хавфли тажовузнинг ташқи ҳолатини характерловчи объектив, ижтимоий ва юридик аҳамиятга эга бўлган белгилар йиғиндиси тушунилади.

Ўз ўрнида, компьютер техникасидан фойдаланилганлик белгиси ҳам жиноятнинг объектив томони ҳисобланади.

Компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб, жиноят содир қилиш белгиси жиноятнинг объектив томони сифатида Жиноят кодексининг “Ўзгалар мулкни талон-торож қилиш” бобида (ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “г” банди, 168-моддаси 2-қисмининг “в” банди, 169-моддаси 3-қисмининг “б” банди) келтирилган.

Компьютер техникаси воситасидан фойдаланиб, айбдорга ишониб топширилган ўзгалар мулкни ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятининг субъектлари доираси ушбу воситалардан фойдаланиб, содир этилган фирибгарлик ҳамда компьютер тизимига рухсатсиз кириб, содир этилган ўғрилик жиноятлари субъектларига нисбатан чегараланган бўлиб, мазкур жиноятнинг субъекти фуқаровий даъвогар бўлган ташкилотнинг мансабдор шахси бўлиши, унга мулкни тасарруф қилиш, бошқариш, етказиб бериш ёки сақлаш бўйича ваколатлар берилган бўлиши лозим.

Юқорида кўрсатилган қонуний ваколатларга эга бўлмаган, аммо топширилган ишни ёхуд хизмат вазибаларини бажариши туфайли мулк сақланадиган жойга кириш ҳуқуқига эга бўлган шахс томонидан ўзганинг мулкни талон-торож қилиниши ўғрилик деб тавсифланиши керак.

Бундан кўринадики, ўзгалар мулкни талон-торож қилиш билан боғлиқ жиноятларни малакалашда, биринчи навбатда, жиноят субъектининг талон-торож қилинган мулкка нисбатан ҳуқуқий ваколатини тўғри аниқлаш лозим.

Ахборот технологияларининг ривожланиши билан ташкилотлар ва уларга хизмат кўрсатувчи банклар ўртасидаги маълумотлар алмашинуви электрон тарзда амалга оширилмоқда. Бу ўз навбатида, мулкни тасарруф қилиш, бошқариш, етказиб бериш ёки сақлаш ваколатига эга мансабдор шахс номига расмийлаштирилган электрон рақамли имзо орқали амалга оширилади.

Субъектив томондан компьютер техникаси воситаларидан фойдаланган ҳолда айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкни ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш жинояти тўғри қасд билан содир этилади.

Айбдор компьютер техникасидан фойдаланаётганида ўз ҳаракатларининг ғайриқонуний эканлигини англайди ва махсус дастурлар орқали маълумотларни киритади, уларнинг амалга оширилишини хоҳлайди.

Мисол учун, ташкилот ҳисобчисининг, компьютер техникаси воситаларидан фойдаланган ҳолда ўзининг электрон рақамли имзосидан фойдаланиб, ўз пластик картасига ташкилот ҳисобидаги пул маблағларини рухсатсиз бўлиб-бўлиб базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 баравари миқдоридан ортиқ миқдорда ўзлаштириши орқали ташкилотнинг манфаатларига зарар етказиши фақат тўғри қасд билан ғараз ва ёмон ниятларда содир этилади.

Шунингдек, компьютер техникасидан фойдаланган ҳолда, мансаб мавқеини суистеъмол қилганлиги, унга махсус ваколат, яъни ташкилотнинг банкдаги мулкни тасарруф қилиш, бошқариш ҳуқуқи берилганлиги, яъни унга ташкилот мулки ишониб топширилганлиги ҳолатидан фойдаланиб жиноят содир қилинганлиги жиноятнинг объектив томонини ташкил қилади.

Ўғрилиқ йўли билан ташкилот мулкни талон-торож қилишда, жиноят субъектининг мулкка нисбатан ҳеч қандай алоқаси бўлмайди.

Мисол учун, банк дастурий таъминоти хакерлар ҳужумига учраши оқибатида ҳисоб рақамлардан пул маблағларининг ўғирланиши ҳолатида мулкнинг жиноятчиларга ишониб топширилганлиги белгиси жиноятнинг объектив томонини ташкил қилмайди, яъни жиноят субъекти номаълум бўлиб, ҳолат виртуал муҳитда содир бўлади.

Шу билан бирга, суд-тергов амалиётида ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “г” банди билан қилмишни квалификация қилишда бир қанча муаммолар юзага келмоқда.

Ахборот технологияларининг ривожланиши ортидан, “ақлли” телефон, планшет ва гаджетлар муомалага кириб келмоқда. Мазкур ускуналар компьютер техникаси воситалари бажарадиган амалларни тўлиқ бажара олиш имкониятига эга ва интернет тизими билан таъминланган.

Қонун талабига кўра, ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “г” банди қилмишни квалификация қилиш учун айнан компьютер техникаси воситаларидан фойдаланилганлик белгиси мавжуд бўлиши лозим, яъни монитор, процессор, клавиатура ва сичқончадан иборат тўплам мавжуд бўлишлиги назарда тутилган.

ЖПКнинг 23-моддасига кўра, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим.

Қонунчиликнинг ҳар хил талқин қилиниши, суд-тергов амалиётида мазкур турдаги жиноятларнинг ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “г” банди ёки модданинг бошқа белгиси билан малакаланишига сабаб бўлмоқда.

Компьютер техникаси воситалари аналоглари яратилганлиги, ҳозирда улардан фойдаланилиш ортиб бораётганлиги қонунчиликка тегишли ўзгартириш ва қўшимчаларни киритишни тақозо қилмоқда.

Ваҳоланки, ЖПКнинг 463-моддасига кўра, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. М.Х.Рустамбаев “Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси” // Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти. – Тошкент-2018.

2. А.И. Плотников “Уголовное право России - Общая часть, учебник для бакалавров” // “Московский государственный юридический университет имени О.Е. Кутафина”. – Оренбург-2016.

3. <https://csec.uz/uz/news/maqolalar/o-zbekiston-respublikasi-kiberxavfsizligi-2020-yil-his/>.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги “Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида”ги қарори.